

2018 йилда Урганч давлат университетида ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар

Бугунги кунда таълим тизимининг барча бўғинлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга муҳим эътибор қаратилаётганини соҳада амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Урганч давлат университетида хозирда 9 та факультет 32 та кафедра мавжуд бўлиб, жами талабалар сони 9246 нафарни ташкил қиласди (бакалавриатда – 8347 нафар, магистратурада - 85 нафар, маҳсус сиртқи бўлимда – 723 нафар, сиртқи бўлимда – 91 нафар) ва уларга жами 713 нафар профессор ўқитувчиларимиздан 17 нафар фан доктор ва профессорлар, 150 дан ортиқ фан номзод ва доцентлар таълим бермокда.

(Урганч давлат университетида ўтган 2017-2018 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишларига қабул квоталари умумий сони 1730 ўриндан 2000 ўрингача, магистратурада эса 28 ўриндан 58 ўринга оширилган эди. Қабул натижаларига кўра бакалавриатнинг кундузги таълим йўналишларига 2016 нафар, оширилган тўлов-контракт бўйича 478 нафар абитуриентлар талабаликка қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида маҳсус сиртқи бўлимларни ташкил этиши тўғрисида”ги ПҚ-3183-сон қарорига мувофиқ маҳсус сиртқи бўлимнинг 7та таълим йўналишларига 609 нафар ҳамда иккинчи олий таълимнинг сиртқи шаклига 91 нафар, кундузги шаклига 5 нафар талаба қабул қилинди.) Университетда 2017 2018 ўқув йилида жами 3248 талабалар қабул қилинди. Бу йилги қабул квоталари ўтган йилги тасдиқланган қабул квотасига нисбатан 18 фоизга ошган.

(2018-2019 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишларига қабул квоталари 2360 нафар қилиб, магистратура мутахассисликларига 94 нафар, маҳсус сирқи бўлимга 690 нафар қилиб тасдиқланди. Ундан ташқари 2018 йил 6 июндан Вазирлар маҳкамасининг 417-сонли қарорига асосан ногиронлиги бўлган шахслар учун умумий квотага нисбатан 2 фоизли миқдорда (47 ўрин) грант асосида қўшимча қабул квоталари тақлифи берилди.)

Жорий йилда Урганч давлат университети жамоаси бир қатор сезиларли ютуқларга эришди. Хорижий грантлар асосида Марказий Осиё давлатларида ягона бўлган “Математик инжиниеринг” магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур лойиха доирасида умумий миқдори 37950 евро бўлган ускуналар келтирилди.

Университет биология, кимё, физика, машина деталлари, автомобилсозлик, кимёвий технология фанлари бўйича замонавий, жаҳон андозаларига жавоб берадиган ўқув лаборатория комплекслари билан таъминланди.

2018 йилнинг шу давригача университет томонидан 20 дан ортиқ етакчи хорижий университетлар ва илмий марказлар билан янги ҳамкорлик шартномалари имзоланишига эришилди.

Бугунги кунда 15 нафар чет элда узоқ муддатли стажировкалар ўтаган профессор-ўқитувчилар томонидан 23 та ихтисослик фанлари бўйича машғулотлар инглиз тилида олиб борилмоқда.

2018 йилнинг шу давригача университет профессор-ўқитувчиларидан 1 нафари докторлик (Doctor of Science), 8 нафари фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилдилар. Жорий йил охиригача 20 га яқин педагог ходимларимиз диссертацияларини ҳимоя қилишлари кутилмоқда.

Университетда 32 та ихтисослик бўйича таянч докторантураси (PhD) ва 4 та ихтисослик бўйича докторантураси (DSc) фаолият кўрсатмоқда.

2018 йилда университетда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш, илмий салоҳиятни юксалтириш борасида яна бир ижобий ўзгариш рўй берди. Урганч давлат университети ҳузурида физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш тузилди, Илмий кенгашда битта ҳимоя бўлди ва 14 июнда иккинчи ҳимоя кутилмоқда.

2017-2018 ўқув йилида университетда 10 дан ортиқ республика ва халқаро миёсдаги қатор илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Жумладан, УрДУ ва Хоразм Маъмун академияси ҳамкорлигида “Анализ ва математик физиканинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Ўзбекистон-АҚШ математик олимларининг 2-халқаро илмий анжумани бўлиб ўтди. Унда республикани етакчи олимларидан 150 нафарга яқин, АҚШ, Италия, Франция, Польша, Россия, Қозоғистон, Малайзия, Хитой, Жанубий Корея, Хиндистон каби хорижий давлатлардан 50 нафар математик олимлар қатнашдилар.

2017 йилнинг 20-28 сентябрь кунлари эса Урганч давлат университети, Турин политехника университетининг Тошкентдаги филиали ва Хоразм Маъмун академияси ҳамкорлигида физика фани бўйича халқаро конференция ўтказилди. Унда АҚШ, Германия, Эрон, Озарбайжон, Хиндистон, Покистон, Истроил, Козоғистон, Грузия, Италия, Япония, Малайзия, Жанубий Корея каби мамлакатлардан 80 дан ортиқ мутахассис олимлар ва талабалар иштирок қилдилар.

Университетимизда халқаро илмий алоқларни ривожлантиришга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Жумладан, АҚШ нинг Вермонт университети профессори 2017 йилда профессор ва ўқитувчилар ҳамда Хоразм Маъмун академияси илмий ходимлари билан замонавий лаборатория ускуналаридан фойдаланиш бўйича икки ҳафталик ўқув курсларини ўтказди.

АҚШ элчихонасининг Фулбрайт дастури вакили томонидан 2 ой давомида туризм ва меҳмонхона йўналиши талабаларига ўқув курслари ўтказилди.

Шунингдек Италия, Япония, Жанубий Корея, Германия, Франция давлатлариниг профессорлари 2 ойлик ўқув курслари давомида талабаларга ўқув машғулотлари олиб боришиди.

АҚШ нинг Калифорния давлат университети билан ҳамкорликда АҚШнинг “Миллий Фан Жамғармаси” га 2017–2019 йилларда Ўзбекистон ва АҚШ иқтидорли талабалари учун ёзги таътил пайтида математика фани бўйича ёзги лагер фаолияти бўйича июнь-август ойларида АҚШ Калифорния университетидан бир неча талабалар ва профессор-ўқитувчилар бизнинг университетимизда бўлдилар.

2017 йилда университетимизнинг жами 45 нафар профессор-ўқитувчи ва катта илмий ходим, магистрлар АҚШ, Германия, Япония, Испания, Португалия, Корея, Словения, Россия каби мамлакатларнинг нуфузли университетларига малака ошириш, стажировка ва илмий тадқиқот ишларини бажариш учун юборилди.

2018 йилда эълон қилинган амалий, инновацион ва ёш олимларнинг фундаментал лойихалари доирасида профессор ўқитувчиларимиз 7 та лойиҳа ғолиби бўлган. (2018 йил учун ажратилган умумий қиймати 270 млн.сўм).

Университетда бугунги кунда жами 13 та халқаро лойиҳа бажарилмоқда. Улардан Евropa Иттифоқининг Ерасмус+ дастури доирасида 10 та (4. 160 154 Евро), АҚШ нинг Миллий Фан Жамғармасининг IRES лойиҳаси бўйича 1 та (250 000 \$), халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда. (умумий қиймати жами 4. 465 154 Евро ва 250 000 АҚШ долларига тенг). Шунингдек, 2018 йилдан АҚШ Давлат Департаментининг English for STEM лойиҳаси (55 000 \$) ва Германия Volkswagen Фондининг SUMRICA лойиҳаси (200 000 \$) бўйича ўз фаолиятини бошлади.

Университетимиз олимлари Қозогистон лойиҳалар агентлигининг фундаментал тадқиқотлар танловида “Разработка электронных тезаурусов тюркских языков для создания систем многоязычного поиска и извлечения знаний” мавзусидаги лойиҳа билан қатнашиб ғолиб бўлишиди. Бу лойиҳа 2018-2020 йилларга мўлжалланган бўлиб, умумий маблағи 15 млн. тенге (\approx 46153\$) ни ташкил қиласди.

2018 йилда университетимизнинг етакчи олимлари Евropa давлатлари, Россия Федерацияси билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолаш мақсадида бир неча мамлакатларда хизмат сафарларида бўлиб, илмий-тадқиқот, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини йўлга кўйишини келишиб олдилар.

Жорий ўқув йилида 17 нафар талабаларимиз Республика фан олимпиадаларида фахрли 1-3 ўринларни эгаллаб республикамиз таълим муассасалари орасида етакчилик қилиб келмоқда.

Университетидаги спортчи-ёшларнинг республика ва халқаро майдонлардаги спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, совринли ўринларни кўлга киритаяпдилар. З нафар талабамиз (Юлдошева Раҳима Сафарбоевна,

Юлдашова Кумуши Сафарбаевна Шерметова Дилдор) 2017 йил 17-27 сентябрь кунлари Туркманистан пойтахти Ашхабат шахрида Жанг санъати ва ёпик инишоатлардаги V-Осиё ўйинларида олтин медал совриндори бўлди.

Салаева Севинч Одамбай қизи 2017 йил май ойида Тошкент шахрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 1-ўринни эгаллаб Олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, 6 нафар талабамиз олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган.

(Нурметова Турсунпошиша Баҳрамовна 2017 йил 6-9 октябр кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Жаҳон кубоки мусобакасида фахрли 2-ўринни эгаллади ва кумуш медали сохибаси бўлди.

Собиров Фарходбек Анвар ўғли оғир атлетика бўйича 2017 йил апрель ойида Туркманистаннинг Ашгабат шахрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида фахрли 1-ўринни эгаллади. 2017 йил 15-22 июн кунлари Япониянинг Токио шахрида ёшлилар ўртасида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида иштирок этиб фахрли 1-ўринни эгаллаб олтин медалини қўлга киритди. 2017 йил Озарбажонни Боку шахрида Ислом ўйинларида 2-ўрин эгаллади. 2017 йил 17-27 сентябрь кунлари Туркманистан пойтахти Ашхабат шахрида Жанг санъати ва ёпик инишоотлардаги V-Осиё ўйинларида кумуш медал совриндори бўлди. 2017 йил 1-3 декабрь кунлари АҚШнинг Лос Анжелес шахрида Оғир атлетика бўйича катталар ўртасида Жаҳон чемпионатида фахрли 2-ўринни эгаллаб кумуш медални кулга киритди.

Худайберганов Шахзод Ғойибназар ўғли оғир атлетика бўйича 2017 йил 15-22 июн кунлари Япониянинг Токио шахрида ёшлилар ўртасида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида иштирок этиб фахрли 1-ўринни эгаллаб олтин медалини қўлга киритди. 2017 йил 17-27 сентябрь кунлари Туркманистан пойтахти Ашхабат шахрида Жанг санъати ва ёпик инишоотлардаги V-Осиё ўйинларида кумуш медал совриндори бўлди.

Имамов Отакон Мақсудбек ўғли оғир атлетика бўйича 2017 йил 28 октябрь 2 ноябрь кунлари Кореяда Осиё чемпионатида қатнашиб 3-ўринни қўлга киритди.

Салаев Шухрат Фарҳод ўғли Таэквандо бўйича 2017 йил 17-27 сентябрь кунлари Туркманистан пойтахти Ашхабат шахрида Жанг санъати ва ёпик инишоотлардаги V-Осиё ўйинларида бронза медал совриндори бўлди.

2017 йил 2-3 декабр кунлари Туркия пойтахти Истанбул шахрида Кураш бўйича Жаҳон чемпионатида УрДУ Жисмоний маданият факултети талабалари орасидан 3-нафар талаба қиз қатнашиди. Миллий кураш туридан Спорт фаолияти (хотин қизлар спорти йўналиши бўйича) йўналиши 3-курс 152-гурух талабаси Шерметова Дилдор 57кг вазнда қатнашиб Олтин медални қўлга киритди).

Бугунги кунда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлиги ва интеграциясини янада кучайтириш университет олимлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жорий йилнинг 7 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Унга мувофиқ, олий таълим муассасалари илмий ишлари натижаларини тижоратлаштириш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Университетимиз олимлари томонидан ресурс тежамкор технологиялар, масалан, энергия тежовчи иссиқхона, энергия тежовчи суғориш насоси, мева қуритиш ускунаси каби ишланмалар, маҳаллий хом ашё асосида мустаҳкам қурилиш материаллари: мустаҳкамлиги оширилган ғишт, мустаҳкамлиги юқори бетон қотишмаси, ўрама материаллар, қурилиш битуми ишлаб чиқариш, шунингдек, вилоятда туризм хизматлари кўрсатишини халқаро талаблари даражасига чиқариш, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини янада такомиллаштириш йўналишларида бир қатор натижаларга эришилмоқда.

Университет кимё-технологиялари кафедраси олимлари томонидан ишлаб чиқарилаётган дунёда аналоги йўқ нефтсиз битум маҳсулоти республикамизнинг 150 дан ортиқ корхоналарига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари Сингапур ва Чехия давлатларига экспорт қилинмоқда.

Антикоррозион қопламалар Осиё ва Европа давлатларида халқаро кўргазмаларида намойиш қилинган. 2016 йил Германияда, Хитойда, 2017 йилда Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Амирликларида. Шунингдек СНГ давлатларида кўргазмаларда намойиш этилган.

Барча маҳсулотлар халқаро ISO 9001 сифат сертификатига эга. 26 июнь куни АҚШ нинг Нью Йорк шахридаги Ўзбекистон Савдо Уйида бўлиб ўтадиган кўргазмага қўйилади.

Албатта, бу натижалар Университет жамоасининг самарали меҳнат фаолияти эвазига қўлга киритилди. Шу билан бирга ҳали замонавий кадрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, инновацион ғоялар ва технологияларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш борасида қилиниши лозим бўлган ишларимиз кўп.

Б.Абдуллаев, УрДУ ректори, ф.-м.ф.д.